# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 21-NOYABR, PAYSHANBA, 140 (8221)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.





## БАЛИҚ ЕТИШТИРИШ КЎПАЙМОҚДА

**Мингбулоқ туманидаги "Муҳаммаджон Парпиев" хусусий корхонаси – ҳудуддаги балиқ етиштиришга ихтисослашган йирик хўжаликлардан.**

**Юз гектарлик сунъий кўлда балиқ етиштириб, савдо тармоқлари ҳамда ижтимоий таъминот муассасаларига парҳез гўшт маҳсулотларини пеш-ма-пеш етказиб бераётган хўжаликда иккита 50 тонналик музлаткич омбор ишга туширилди. Хўжаликда йигирма киши доимий иш билан таъминланган.**

СЎЗ – ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

## ЎЗБЕКИСТОН ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДА УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА

**Тошкент шаҳрида 20-23 ноябрь кунлари Осиё Қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши бўлиб ўтади. Мазкур халқаро анжуманда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган хорижлик мутахассислар, олимлар ва экспертлар 20 ноябрь куни Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида бўлиб, ушбу институт фаолияти, тадқиқотчилар учун яратилган шарт-шароит, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар, ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар билан танишдилар. Туманда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган замонавий уй-жойларни бориб кўрдилар.**
**ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.**

**Апприянто КУКУ, "Green Energy" компанияси директори (Индонезия):**

– Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган тадқиқотлар ва илмий-техник ютуқлар билан танишдик. Илғор технологиялар билан жиҳозланган институтда ўтказилаётган илмий тадқиқотлар самаралари Ўзбекистон иқтисодиётининг кўплаб тармоқ ва соҳаларида кенг жорий этилаётгани диққатга сазовор.

Ўзбекистонлик мутахассислар билан қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш бўйича фаол ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

**Иштван ХЕЦЛЕР, "Sonnenkraft" компанияси савдо директори (Венгрия):**

– Ўзбекистон муқобил энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга эканига ишонч ҳосил қилдик. Хусусан, мамлакатингиз иқлими қуёш энергиясидан фойдаланишда жуда қўл келади. Ўзбекистонда йилнинг қарийб 300 куни офтоб чарақлаб туриши қуёш энергиясидан фойдаланишда улкан имкониятдир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа молия институтлари билан ҳамкорликда ташкил қилинаётган Халқаро қуёш энергияси институти бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.



**Борис КОРОБКО, Украина Фанлар академияси академиги:**

– Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш, экологик соф технологияларни ҳаётга жорий этиш, муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш, бу борадаги илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганидан яхши хабардормиз.

(Давоми 2-саҳифада)

АНЖУМАН

*Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни маънан етук, жисмонан соғлом, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш йўлида изчилислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарасини юртимиз таълим тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Эътиборлиси, мазкур ислоҳотлар таълим тизимининг нафақат қуйи босқичларида, балки олий таълим тизимида ҳам тизимли равишда намунали ташкил этилаётир.*

## ИЛМ-ФАН ИСТИҚБОЛИДА ЮКСАК МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида олий маълумотли илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Олий аттестация комиссияси томонидан фан доктори илмий даражасини бериш чора-тадбирлари ҳамда тажриба ва амалиётдаги ўзига хос жиҳатлар муҳокама этилди. Унда мутасадди ташкилот ва идоралар ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Республикамизда умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ дессертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш олий таълим тизими бир босқичли этиб жорий этилди. Бу борадаги тизимли ишларни янада ривожлантиришда Президентимизнинг 2012 йил 24 июлдаги "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



Сарвар ЎРМОНОВ, Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган суратлар.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДА УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида олимлар учун яратилган шарт-шароитлар бу соҳага қаратилаётган эътиборнинг амалдаги яққол ифодасидир.

Ушбу институтда яратилган илмий тадқиқотларни хорижда ҳам яхши билишади. Бир неча йил илгари бу ерда қуёш нурини лазер нурига айлантириш технологияси яратилгани илмий доираларда катта шов-шув бўлган эди. Бу технология 2010 йилда ЮНЕСКОнинг йиллик ҳисоботида энг яхши ишланмалардан бири сифатида эътироф этилган.

**Майкл ТЕНГ, Сингапур ишлаб чиқарувчилари федерацияси вакили:**

– Ўзбекистон муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканига амин бўлдим. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида экологик соф энергиядан фойдаланиш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар эътиборга молик. Институтда амалга оширилаётган илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш мамлакатингиз иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилади.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларни кўриб, жуда ҳавасим келди. Мазкур уйларнинг лойиҳаси, ўзига хос дизайни, уларни барпо этишда фойдаланилган қурилиш материалларининг юқори сифати таҳсинга лойиқ. Бу материалларнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётгани мамлакатингизда қурилиш материаллари индустрияси ҳам жадал ривожланаётганидан далолатдир.

**Майкл ЭДЕЛЬШТЕЙН, Атроф-муҳитни ўрганиш институти директори, профессор (АҚШ):**

– Қуёш энергияси технологияларининг тенденциялари ва истиқболларига бағишлаб ташкил этилган ушбу халқаро форум нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун муҳим аҳамиятга эга.

Қуёш энергияси экологик софлиги ва қулайлиги нуқтаи назаридан жуда истиқболлидир. Қуёш қурилмалари марказлашган электр ва иссиқлик тизимларидан узоқда жойлашган ҳудудларни электр энергияси ва иссиқлик билан таъминлашда жуда фойдали. Ўзбекистон бу борадаги мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланаётгани қувонарли.

**Петерис ШИПКОВС, Латвия Фанлар академиясининг физика-энергетика институти энергия ресурслари лабораторияси мудири, профессор:**

– Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори энергетика ҳам жадал ривожланмоқда. Паркентдаги “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшуносилик институтида амалга оширилаётган ишларни кўриб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Институтда йирик ва кичик қуёш энергетик қурилмаларини яратиш, қуёш қурилмаси функционал имкониятларини кенгайтириш каби йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Институт олимлари билан тажриба алмашиш, дунёда энергетика соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида фикрлашиш имкониятига эга бўлдик.

**ЎзА махсус мухбирлари**
**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Холмурод САЛИМОВ**
**ёзиб олди.**

2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

# ЯНГИ КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

*Пойтахтимиздаги “Ўзкўргазмасавдо” марказида боғдорчилик, полизчилик, асаларичилик ва гулчилик соҳасидаги «Agro Food – 2013» халқаро кўргазмаси бошланди.*

Тадбир Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермерлари кенгаши, “Ўзвиносаноат”, “Ўзкимёсаноат” компаниялари, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Бутунжаҳон полизчилик маркази томонидан ташкил этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аграр тармоқда ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда. Айниқса, маҳсулот етиштириш билан бирга, уни қайта ишлаш ва экспорт қилишни йўлга қўяётган фермерларнинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятидаги ўрнини тобора юксалтиришга хизмат қилаётир.



Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган илғор фермерлар, асаларичилар, гулчилар, агрофирмалар раҳбарлари, Хитой, Исроил, Қозоғистондан тадбиркорлар иштирок этаётган мазкур кўргазма қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инновацион технологиялар, боғдорчилик, полизчилик, асаларичилик ва гулчилик йўналишидаги илмий ишланмаларни кенг тарғиб ва жорий этишга қаратилган.

Ландшафт дизайни бўйича технологиялар, замонавий иссиқхоналар, қуёш ёрдамида қуритиладиган мосламалар, органик ва минерал ўғитлар, узумчилик, асаларичилик маҳсулотлари намойиш этилаётган кўргазмада мева ва сабзавотларнинг энг яхши навлари, цитрус ва манзарали дарахт турлари билан танишиш мумкин.

Кўргазма доирасида миллий ва халқаро ташкилотлар томонидан қатор йўналишлар бўйича, жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга доир бир қатор лойиҳалар тақдимоти ўтказилади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ИЛМ-ФАН ИСТИҚБОЛИДА ЮКСАК МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари, Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги Низомлар ҳамда Олий аттестация комиссиясининг янги тузилмаси тасдиқланиб, амалиётга жорий этилди.

– Янги тизимни амалиётга жорий этиш борасида қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси Ғайрат Баҳодиров. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги, Фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги, Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги, Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги ва Эксперт кенгаши тўғрисидаги Низомларнинг ўзбек ва рус тилларидаги тўпламининг янги таҳрири ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Мазкур Низомлар тўплами катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, илмий маслаҳатчилар ҳамда фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар, олий таълим муассасаларининг кенгашлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий кенгашлари ва ОАКнинг эксперт кенгашлари раҳбарлари ва аъзолари, шунингдек, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш соҳасидаги мутахассислар учун мўлжалланган. Шунингдек, фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолиятини олиб боришга лаёқатини аниқлаш мақсадида тест синовлари ҳамда малакавий имтиҳонларни ўтказиш йўлга қўйилди.

Ушбу малакавий имтиҳонларда талабгорнинг назарий ва касбий тайёргарлиги даражаси, муайян фаннинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, умумий концепциялари ва методология масалалари, билимлар тармоғининг асосий назарий ва амалий муаммоларини ҳамда соҳага оид илмий адабиётлар, жумладан, хорижий нашрлар ва илмий тадқиқотларнинг замонавий усулларини қай даражада эгаллагани, фан соҳаси ривожининг ҳозирги аҳволи, муаммолари ва истиқболлари тадқиқотида атрофлича кўрсатиб берилиши назарда тутилган.

Шунингдек, тадбирда фан доктори илмий даражасини берувчи 40 та илмий кенгаш тузилгани, ҳозирда ушбу кенгашларнинг 31 таси етакчи олий таълим, 9 таси эса илмий-тадқиқот муассасалари ҳузурида ўз фаолиятини бошлагани маълум қилинди.

Сирасини айтганда, фан доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация юқори малакали илмий иш бўлиши, унда муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотлар ва яратилган ишланмалар асосида муҳим ижтимоий-иқтисодий ва долзарб илмий ёки амалий муаммолар ҳал этилиши ҳамда илм-фан тармоғининг истиқболли йўналишини ривожлантириш учун муайян ютуқ сифатида баҳоланадиган янги назарий қоидалар комплекси ишлаб чиқилган бўлиши ёки жорий этилиши илм-фаннинг, техниканинг, ижтимоий-сиёсий соҳанинг ёки иқтисодиёт тармоғининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшадиган ечимлар бўлиши назарда тутилди. Шунга мувофиқ бугунги кунда Олий аттестация комиссияси томонидан олий малакали ва илмий-педагог кадрларни тайёрлашда давлат аттестацияси жараёнининг барча босқичларида ягона ёндашувни таъминлаш юзасидан зарур бўлган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

**Наргиза ҲОТАМОВА**

# МАТБУОТ ВА НОШИРЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

## «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон матбуоти III Миллий кўргазмаси бошланди




Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Мазкур кўргазма Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Вазирлар Маҳкамасининг кўмагида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М.Хўжамбердиев, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тармоқлар билан бирга оммавий ахборот воситалари, матбаа, нашриёт соҳаларини жадал равнақ топтиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон матбуоти III Миллий кўргазмасида қатор босма даврий нашрлар ва нашриётлар, электрон оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятига оид маълумотлар акс этган махсус стендлар, ранг-баранг маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Миллий кўргазма доирасида ноширларимиз томонидан икки юздан зиёд янги номдаги китоб тақдимоти, адиб ва шоирларнинг кўргазма иштирокчилари билан учрашувлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Уч кун давом этадиган мазкур кўргазмада мамлакатимиздаги олтмишдан зиёд, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Германия, Россия каби ўндан ортиқ давлатлар компаниялари ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Улардан бири Германиянинг полиграфия дастгоҳлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Heidelberg” компаниясидир. Компания 15 йилдан буён мамлакатимизнинг матбаа бозорида босмахоналар, нашриёт-матбаа ижодий уйлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Кўргазманинг иккинчи кунида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида “Жамиятнинг маънавий-маърифий тараққиётида китобнинг ўрни” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилади.

Шунингдек, кўргазма давомида “Йилнинг энг яхши китоби” V республика кўрик-танловининг натижалари ҳам эълон қилинади. Унда мамлакатимиз нашриётлари бешта йўналиш бўйича китоблари билан қатнашади. Танлов ғолиблари Ўзбекистон матбуоти III Миллий кўргазмаси якунида ташкилотчилар томонидан тақдирланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда ҳам сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Ахборот соҳасини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар оммавий ахборот воситаларининг фаол ривожланиши учун кенг имкониятлар очмоқда.

2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Президентимиз қарори босма ва электрон медиа тузилмалар, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар фаолиятини бугунги тезкор давр талабига монанд йўлга қўйиш учун зарур шароит яратиш, бу жараёнда оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу қарор ахборот соҳасини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳанинг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани натижасида 2013 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 1377 тани ташкил этмоқда. Оммавий ахборот воситалари амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар очиқлигини, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Матбуот, телевидение ва радиоканалларнинг глобал интернет тармоғидан жой олиши учун кенг имкониятлар яратилгани барча соҳалардаги туб ўзгаришларнинг очиқлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон медиа тузилмаларининг мамлакатимиз ва хорижда бўлиб ўтаётган нуфузли халқаро форумларда мунтазам иштирок этаётгани жаҳон ахборот маконида уларнинг муносиб ва фаол ўрни борлигидан далолатдир.

# ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ОЛАМИ НАМОЙИШИ

## *Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма марказида «SportWorld Uzbekistan – 2013» спорт ускуналари, анжомлари ва кийимлари халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда*

**Ўзбекистонда болалар спортини, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, умумтаълим мактаблари ҳузурида замонавий болалар спорт комплекслари барпо этиш, янги спорт ускуна ва анжомлари билан жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланишга устувор аҳамият берилмоқда.**




Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўн йил давомида 1113 та болалар спорти объекти қурилиб, фаолият кўрсатаётган 262 та спорт иншооти реконструкция қилинган ва капитал таъмирланган.

Айни пайтда умумтаълим мактабларининг 81 фоизи янги барпо этилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга. Барча коллеж ва академик лицейлар замонавий спорт заллари билан тўлиқ таъминланган.

Юртимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар спорт саноатига янги технология ва инновацияларни жорий этишни ҳам кўзда тутади. Бу эса болалар спорти объектлари ва умумтаълим мактабларининг спорт залларини замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозлаш имконини бермоқда. Ушбу жараёнда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар муҳим ўрин тутаётганини қайд этиш жоиз. Ишлаб чиқарилаётган 120 турдаги спорт инвентари ва ускунасининг 114 таси корхоналаримиз томонидан тайёрланмоқда.

Мамлакатимизда бундай кўргазмалар аввал ҳам ўтказилган. Аммо «SportWorld Uzbekistan – 2013» кўргазмасида олдингилардан фарқли равишда нафақат юртимиз, балки хорижий ишлаб чиқарувчилар стендлари ҳам намойиш этилаётир. Ўттиздан зиёд иштирокчи ўз маҳсулотларини «Спортинвентарь», «Спорт ускуналари», «Спорт тренажёрлари», «Спорт хизматлари ва фитнес» каби турли бўлимларда намойиш этмоқда. Бундан ташқари, спорт турларини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳам кўргазмада ўз стендларини ташкил қилди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси стендида соҳа корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги спорт кийимлари тақдим этилган.

Турли гимнастика ва бокс анжомлари, теннис столлари, мини-футбол дарвозалари, гантель ва бошқа спорт товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Самарқанддаги “Стеклопластик” корхонасининг стенди катта майдонни эгаллаган.

Шунингдек, халқаро кўргазмада “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ўз таркибига кирадиган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган спорт товарлари билан қатнашмоқда. Велосипед ва бошқа спорт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Автосанкомплект” масъулияти чекланган жамияти, эспандер, бутса, боксчилар капаси, бадминтон тўрлари, спорт оёқ кийимлари ишлаб чиқарадиган “Ўз Донг Жу Пэинт Ко” қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти шулар жумласидандир.

“Ўз Донг Янг” қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти стендлари меҳмонлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Бу ерда баландликка сакраш мосламалари, спорт сумкалари, машғулот манекенлари ва турли бокс анжомлари намойиш этилаётир. «Uz-Koje» масъулияти чекланган жамияти футбол, гандбол, стол тенниси ва катта теннис тўрлари, “Ўз Минда” масъулияти чекланган жамияти секундомер, шахмат соатлари, ҳар хил спорт турлари учун мўлжалланган ҳисоб ва вақтни кўрсатувчи табло, «Ўз Тонг Хонг Ко» қўшма корхонаси турли тўплар, спорт тренажёрлари тўплами ва бошқа товарларни намойиш этмоқда.

Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, халқаро кўргазма мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига ўз маҳсулотини намойиш этиш, бошқа давлатлар спорт саноатининг етакчи компаниялари вакиллари билан учрашиб, музокаралар ўтказиш, тажриба алмашиш, узоқ муддатли амалий ҳамкорлик ўрнатиш имконини беради.

Халқаро кўргазмада қатор чет эл компаниялари ҳам иштирок этмоқда. Чехиянинг теннис кортлари, футбол майдонлари, гольф, чим хоккейи учун сунъий қоплама ишлаб чиқарадиган «Juta a.s.» («Juta grass») улардан биридир.

«SportWorld Uzbekistan – 2013» халқаро кўргазмасида намойиш этилаётган кенг турдаги спорт маҳсулотлари ва хизматлар мамлакатимизда спорт билан шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзини юксалтириш учун кенг имкониятлар яратилаётганидан далолат беради. Ўзбекистоннинг ривожланган спорт саноати, шубҳасиз, болалар ва ўсмирлар спортини янада тараққий эттириш, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# ТАБИАТГА МЕҲР — ҲАЁТГА МЕҲР

**Юртимизнинг фусункор ва бетакрор табиати, аввало, унинг тоғ, текислик ва саҳро рельефлари ўзига хос тарзда уйғунлашганида намоён. Ғарбий Тянь-Шань ва Ҳисор-Олой тоғ тизмаларига мансуб бўлган пурвиқор тоғларимиз ер, иқлим, сув ва ландшафт хилма-хиллигининг муҳим манбаи сифатида эътиборлидир. Мамлакатимиз ҳудудининг салмоқли қисмини эгаллаган саҳролар ҳам табиий-экологик мувозанатни сақлаб туриш баробарида ўзига хос иқтисодий салоҳият касб этади.**







Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", 55-моддасида эса "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб қайд этилган. Бу эса мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири эканини англатади.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий-экологик ислоҳотлар жараёнида табиатнинг ноёб ҳудудларини асл ҳолича асраш ва келгуси авлодларга етказиш, биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш, табиатга антропоген таъсирларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада ҳозирга қадар 30 дан ортиқ қонунлар, жумладан, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда 350 га яқин қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Мазкур ҳужжатлар юртимиз табиати ва табиий бойликларни муҳофазалаш, шу тариқа биохилмахилликни сақлашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

### ЗАМОН ТАҚОЗО ЭТАЁТГАН ЖАРАЁН

Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳозирги пайтда глобал миқёсда юз бераётган иқлим ўзгаришлари, умуман, экологик беқарорлик, табиатга антропоген таъсир кўрсатиш, атроф-муҳит муҳофазасига лоқайд муносабатда бўлиш оқибатидир. Маълумотларга кўра, бутун дунё бўйича атроф-муҳитга бир кеча-кундузда кўплаб миқдорда зарарли газлар, саноат чиқиндилари, радиоактив маҳсулотлар чиқарилади. Бундан ташқари, табиий ҳудудлардан маиший эҳтиёжларни қондириш мақсадида хўжасизларча фойдаланилади.

Инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро уйғунликни таъминлаш орқали экологик муаммоларга оқилона ечим топиш халқаро жамоатчиликнинг, шу жумладан, мамлакатимиздаги кенг жамоатчиликнинг доимий эътиборида. Бу борада сўз юритганда, аввало, республикамизда келажак авлодга мусаффо табиатни мерос қолдириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг юксак самарасини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Чунончи, беш йил илгари ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан мамлакатимизда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш, фуқароларимизнинг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришиш ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси ва тиббиёт соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида умумий майдони 87,7 гектарни ташкил этган 20 та "Экобоғ" ташкил этилиб, 30,5 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилгани эътиборлидир.

### ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИБ

Табиатимизнинг ўзига хос ҳудудларини асл ҳолича асраш ва келгуси авлодларга етказишда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, айниқса, ёшларимизнинг экологик дунёқарашини юксалтириш муҳим аҳамиятга молик. Шу мақсадда Ўзбекистон Экологик ҳаракати қатор лойиҳалар ишлаб чиқиб, улар доирасида муҳим тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида экожурналистикани ривожлантириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишга оид лойиҳа доирасида Сирдарё вилоятидаги "Сайхун" табиат хўжалигига уюштирилган медиатур ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси бўлди.

Сирдарё ҳавзаси бўйида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг Давлат бионазорат инспекциясига қарашли "Сайхун" табиат хўжалиги ноёб масканлардан биридир. Илгари ушбу табиий ҳудуд қаровсиз эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 7 июлдаги тегишли қарори асосида бу ерда табиат хўжалиги ташкил этилди ва унга муҳофаза этиладиган ҳудуд мақоми берилди. 372 гектар майдонни эгаллаган мазкур табиат боғида экотизимлар барқарорлигини сақлаш, наботот ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

— Бугун табиат хўжалигимизда 100 дан зиёд ўсимлик, 40 дан ортиқ ҳайвон турлари, жумладан, камайиб бораётган ёввойи қуён, ўрдак, ғоз, тўнғиз, бўрсиқ каби жониворлар парвариш қилинмоқда, — дейди "Сайхун" табиат хўжалиги директори Ғафур Бегиев. — Хўжалигимиз тасарруфидаги 132 гектардан иборат кўлда ноёб балиқ турларини кўпайтириш учун қулай табиий шароит яратилган. Ҳудуддаги ноёб жонзотларни кўпайтиришда бизга қатор жамоат тузилмалари, чунончи, Ўзбекистон Экологик ҳаракати яқин кўмакчи бўлмоқда. Экоҳаракат томонидан табиат хўжалигимизга қуёш энергияси асосида ишлайдиган қурилма ўрнатилгани бунга бир ёрқин мисолдир.

Медиатур давомида журналистлар табиат хўжалигида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, экотуризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Умуман айтганда, бу каби тадбирлар мамлакатимизда сув, ҳаво, тупроқ мусаффолигини таъминлашга оид лойиҳаларда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир.

### ЭКОТУРИЗМ — ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА

Экологик туризм тобора ривожланаётган соҳалардан биридир. Маълумотларга кўра, бугунги кунда экотуризмнинг ялпи сайёҳлик бозоридаги улуши 10-20 фоизни ташкил этмоқда. Экспертларнинг фикрича, табиий ва саргузаштларга бой туризмни қамраб олувчи ушбу соҳанинг ривожи экологик муаммоларни бартараф этишда долзарб аҳамиятга эга.

"The Financial Times" нашрида ёзилишича, Канада давлатида ёввойи табиатга саёҳат ялпи ички туризмдан олинадиган даромаднинг 25 фоизига тенг экан. Бошқача айтганда, Канада ҳукумати фақат экотуризмдан тушган солиқлар ҳисобига ҳар йили 1,7 миллиард АҚШ доллари қийматида даромад олади. Бу эса ҳукумат томонидан ёввойи табиатни муҳофаза қилиш дастурига ажратилган маблағдан 5 баробар кўпдир. БМТ маълумотларига кўра, Кения, Эквадор, Коста-Рика, Непал давлатлари ҳам экотуризмдан ҳар йили салмоқли даромад олади.

Жонажон юртимиз тоғ, текислик ва саҳролардан иборат бетакрор ландшафтлари, хилма-хил ноёб наботот ва ҳайвонот дунёси билан машҳур. Шунингдек, ўлкамизда нодир археологик топилмалар, геологик кесимлар каби табиий ёдгорликлар талайгина.

Мамлакатимизда экологик туризмни изчил ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган бўлиб, сўнги йилларда табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, атроф-муҳитга антропоген таъсирларни камайтириш, ишлаб чиқаришга экологик тоза технологияларни жорий этишга эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайтирилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айни пайтда Бухоро вилоятидаги ноёб ҳайвонлар турларини парваришлашга ихтисослаштирилган "Жайрон" экомарказида, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Жиззах вилоятининг Зомин туманларидаги табиий ҳудудларда экотуризм инфратузилмалари яратилган.

Табиат бамисоли ҳикмат китоби. Инсоният табиатга меҳр берган сайин у ўз ҳикматини очаверади. Биз яшаб турган замин табиий гўзалликларга шу қадар бойки, уларни асраб-авайлаш ва янада бойитиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Сайдодил САЙИДИСЛОМОВ**


ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА! ЭЪЛОН

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТНИ ҚУРИШ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ҚАЙТА ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Лот 1-7. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани К.Йўлдошев номли маҳаллани ичимлик суви билан таъминлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 111,941 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 93,284 млн. сўм, **қурилиш муддати** – 60 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Манзили: Термиз шаҳри А.Бакуменко кўчаси 5-уй. Тел. (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85 ф.

**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш** – Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига кўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **«Даврархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй. Телефон/Факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76 ф.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 70 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уйда ўтказилади.

# МУҲИМ ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАН

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**



Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.

Унда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан доимий равишда республикамиз ҳудудида жойлашган шаҳарлар, туманлар, аҳоли пунктлари ва иқтисодиёт тармоқлари объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўриб келинаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

— Барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биноларини, шунингдек, уй-жойларни ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, муҳим объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник И.Юлдашев. — Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2013 йилнинг ўтган 10 ойи давомида содир бўлган ёнғинларда инсонларнинг куйиш, тан жароҳати олиш ҳолатлари 5,7 фоизга, ҳалок бўлиш ҳолатлари эса 24,8 фоизга камайди.

Давлат ёнғин назорати ходимлари томонидан содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида 46 минг 619 та корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларнинг ёнғинга қарши ҳолати текширилиб, уларда аниқланган камчилик ва нуқсонлар бартараф этилди.

Содир бўлаётган умумий ёнғинларнинг 70,8 фоизи аҳоли турар-жойларига тўғри келаётганлигини инобатга олиб, асосий эътибор аҳоли яшаш жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилиб, барча аҳоли турар-жойлари ва кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди.

Текширувлар натижалари бўйича ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган, ёнғин назорати хизматларининг кўрсатмаларини бажармаётган 55 минг 556 нафар раҳбар, жавобгар шахслар ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказишга оид қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳар йили 20 ноябрдан 20 декабрга қадар республикамиз ҳудудида ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказиб келиняпти.

Ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимиз ҳудудида куз-қиш мавсуми олдидан ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Ойлик давомида объектлар, аҳоли турар-жойларининг ёнғинга қарши ҳолати яна бир бора текшириб чиқилади.

Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш, унинг олдини олишга қаратилган ишларни кенг оммага чуқурроқ етказиш мақсадида маҳаллаларда, ўқув юртларида, жамоат жойларида учрашувлар, кўргазмали семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилади.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

**Вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” давомида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан семинар ташкил этилди.**

## МАСЪУЛИЯТ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛДИ

Унда вилоят ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси мутасаддилари, Қарши шаҳридаги халқ таълими муассасаларининг раҳбар ва масъул ходимлари иштирок этдилар.

Семинарда вилоят мактабларида ёнғин хавфсизлиги борасидаги ғоят муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Тадбирда таъкидланганидек, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари барча мутасаддилар зиммасига ғоят катта вазифаларни юклайди. Шундан келиб чиқиб, вилоятининг барча ташкилот ва муассасаларида ёнғин хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан жорий йил 24 октябрда тасдиқланган Ёш ёнғин ўчирувчилар дружиналари билан ишлаш учун жамоатчи ташкилотларни тайёрлаш дастурига кўра вилоятда ёш ўт ўчирувчилар дружиналари тузилди.

— Бу ёнғинга қарши кураш борасидаги кенг кўламли ишларимизни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлади, — дейди Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи Шокир Қурбонов. — Дружиначилар фаолиятини аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда уларнинг тажрибаларини оммалаштириш учун жойларда ўқув семинарлари ўтказилди. Мазкур ишлар натижаси самарали бўлади, деган умиддамиз.

Тадбирда ёнғинни келтириб чиқарувчи омиллар ва унинг олдини олиш йўллари ҳақида батафсил маълумот берувчи буклет ҳамда бошқа тегишли тавсиянома тарқатилди. Шунингдек, ёнғин ҳолатлари тасвирланган видео лавҳалар ҳам тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Семинар сўнгида иштирокчилар вилоят “Ёнғин техник маркази”нинг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

МУДДАО

**Мирobod тумани Шарқ юлдузи маҳалласида ёнғин содир бўлди. Ёнғин хавфсизлиги ходимларининг тезкор ҳаракати натижасида ёнғин бартараф этилди. Аммо фалокат бир кишининг умрига зомин бўлганди. Фожиа сабаблари ўрганилганда ёнғин сигарета қолдиғидан чиққанлиги аниқланди.**

## ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМ ФАОЛ БЎЛСА

